



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ  
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ  
ВЕБ САЙТИ ВА МУЛЬТИМЕДИА  
МАҲСУЛОТИНИ ЯРАТИШ**

**2-китоб**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ  
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ  
ВЕБ САЙТИ ВА МУЛЬТИМЕДИА  
МАҲСУЛОТИНИ ЯРАТИШ**

*Тўплам «Ўзбек фольклорининг ўзбек ва инглиз  
тилларидаги веб сайти ва мультимедиа  
маҳсулотини яратиш» мавзусидаги амалий  
тадқиқот грант лойиҳаси доирасида тайёрланди*

**2-китоб**

Наманган - 2022

сепилади ва маросимдаги аёлларга тарқатилади. Хушбўй пахтадан улар қулоқларига тиқадилар, ёш болаар учун ирим қилиб олиб кетадилар. Чунки, бу атир сепилган пахта “қулоқ оғриғи”га даво экан. Шу зайлда бешик тўйи ва саллабандон маросимига хос урф-одатлар ўтказилади.

Хуллас, оилавий-маиший маросимлар ранг-баранг бўлиб, улар инсон туғилиши билан боғлиқ бешик тўйлардан, турли маросималарда сўзнинг мўъжизали қудратига асосланган баъзи иримлар ва одатлардан ташкил топган.

Ўзбек халқ оммаси томонидан яратилиб халқнинг истейдодли вакиллари томонидан сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, қадимий тарихга бой ранг-баранг маросимларнинг вербал қисмини ташкил этувчи иримлар ўз мазмун моҳияти билан муҳим аҳамият касб этади.

#### **Адабиётлар:**

1. Дала машғулоти. 2021 йил, сентябрь ойида Кармана тумани Хончарбоғ мағалласи, Айрончи қишлоғи 60 ёшли момо Шоҳиста Турсуновадан олинган маълумот.

2. Дала машғулоти. 2018 йил, март ойи. Кармана туман “Дўрмон” маҳалласи. 68 ёшли хожиона Ибодат Шароповадан олинган маълумот.

3. Дала машғулоти. 2018 йил, март ойи. Кармана туман “Дўрмон” маҳалласи. 68 ёшли Ибодат Шароповадан олинган маълумот.

4. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т.: «Фан», 1986, 30-бет.

## **ЁР-ЁРЛАРДА ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ**

**Хулкар АЛИҚУЛОВА**  
ТошДЎТАУ ўқитувчиси

#### **Аннотация**

Мақолада никоҳ тўй маросимларида ижро этиладиган ёр-ёр қўшиқларидаги образлар тизимининг ўзига хос жиҳатлари, айниқса, келин образининг таъриф-тавсифидаги халқона ифода, шу билан бир қаторда халқнинг миллий урф-одатлари, ирим-сиримлари, ўй-фикрлари, ижтимоий ҳаётга нисбатан қарашлари, ҳамда қўшиқлардаги соч, паранжи ва ранглар



ифодаси билан боғлиқ баъзи бир магик хусусиятлар таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар:** образ, халқона ифода, никоҳ, магик хусусият, келин, тимсол, урф-одат, паранжи, фольклор.

#### **Аннотация**

В статье рассматриваются особенности системы образов в песнях, исполняемых на свадьбах, в частности, крылатое выражение в описании образа невесты, а также народные обычаи, мифы, мысли, взгляды на общественную жизнь, а также так же анализируются некоторые магические особенности, связанные с выражением волос, вуали и цветов в песнях.

**Ключевые слова:** образ, крылатое выражение, брак, магический атрибут, невеста, герб, обычай, паранджи, фольклор.

#### **Annotation**

The article discusses the features of the system of images in songs performed at weddings, in particular, the popular expression in the description of the image of the bride, as well as folk customs, myths, thoughts, views on social life, and also analyzes some magical features associated with the expression of hair, veils and flowers in songs.

**Key words:** image, popular expression, marriage, magical attribute, bride, coat of arms, custom, veils, folklore.

Ёр-ёр кўшиқларининг образлар тизими ниҳоятда ўзига хос. Уларда ота-она, келин-куёв, янга образлари ҳаётий воқеалар, таъсирчан иборалар, мазмундор мисралар билан гавдалантирилган. Уларни алоҳида таҳлилга тортиш фольклоршунослигимиз учун кўплаб янги, жиддий, илмий хулосалар бериши аниқ.

Ёр-ёрлардаги келин образи билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар мавжудки, таҳлил жараёнида халқнинг миллий урф-одатлари, ирим-сиримлари, ўй-фикрлари, ижтимоий ҳаётга нисбатан қарашлари яққол кўзга ташланади.

Халқнинг маиший турмушида соч билан боғлиқ кўплаб иримлар, одатлар, тасаввурлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган бўлса,

баъзилари одатий ҳолга айланиб қолган. Масалан, аёлларнинг сочини ёзиб юриши фалокат, сочини қирқиши баҳаёлик рамзи ҳисобланган. Ўзбекларда илк бор соч олиш маросими соч тўйи ёки ақиқа дейилган. Ўрта Осиёнинг кўпгина жойларида гўдакнинг олинган сочини мевали дарахтга илиб қўйганларки (ҳозирда олинган сочни кекса киши томонидан мевали дарахт остига кўмиш тарзи мавжуд), бу магик аҳамиятга эга бўлиб, бахт ва ҳосилдорлик ғоялари билан боғланган.

XIX аср сўнгида Олтойдаги туркий халқларда аёллар ва қизларнинг соч ўримларидан ҳам фарқланишига алоҳида эътибор берган В.В.Радлов аёллар сочини иккита ёки учта, қизлар майдалаб ўрганликларини айтади. Бизнингча, сочнинг учта ўрилиши фарзанд ғояси билан боғлиқ бўлса керак. Бу одат ўзбекларда ҳам бўлганлигини мана бу қўшиқ тасдиқлайди:

Қора кулоч сочимни,  
Уч ўрдилар, ёр-ёр.  
Ота-онам шаҳридан  
Кўчирдилар, ёр-ёр.

Соч ўрими билан боғлиқ одатлар республикамизнинг баъзи туманларида ҳозиргача учраб туради. Никоҳ тўйи куни чимилдиқда «соч сийпатар», «ойна кўрсатар», «қўл ушлатар» ва бошқа рамзий маросимлар бажарилгач, қуёв чимилдиқдан чиқиб кетади. Шундан сўнг серфарзанд бир аёл келинчакнинг сочини икки ўрим қилиб ўриб кўяди. Бундай ҳолат «Суннат тўй» маросимларида ҳам кўзга ташланади. Яъни, «Соч иккита» удумига асосан тўй бола онасининг сочи кекса момолар томонидан иккита қилиб ўрилади. Бу эса маълум даражада қадим тасаввурлар, бахтли-тўкин турмуш ғоялари билан чамбарчасдир. Никоҳ маросимларидаги «соч сийпатар», «ойна кўрсатар» одатлари ҳам келин-қуёвни бир-бирига яхши кўрсатишга қаратилган магик усул бўлиб, соч магияси боғлиқ бўлса ажабмас.

Сочнинг балоғат рамзини англатиши ўзбек халқ лирикасида анчагина учрайди. Айниқса, инсон аъзолари – қош, кўз, бел, юз таърифлари соч поэтик образи билан уйғунлашиб, барчаси лирик қаҳрамоннинг жинсий балоғатга етганлигини рамзий ифодалашга хизмат қилади.

Бизнинг уйнинг кетига,  
Қўй келибди, ёр-ёр.  
Сочи узун синглимга,  
Тўй келибди, ёр-ёр.

Мутахассисларнинг фикрича, туркий халқлар оғзаки ижодида ҳам соч ва унинг аналоглари – қил, қош, киприк, соқол, от ёлларининг бўлиқ-қалинлиги ҳосилдорлик рамзи бўлиб, фаровон турмуш ва серпуштликка магик таъсир кўрсатади[10.182], деб билинган. Шу сабабли халқ қўшиқларида соч фақат гўзаллик рамзи бўлмай, сийрат маънода балоғат, севги, оила, фарзанд ва бахтли ҳаёт гоёларини ҳам ифодалайди.

Маълумки, «ёр-ёр» қўшиқлари никоҳ тўйи кечаси, келинни куёв уйига олиб кетилаётган бир пайтда ижро этилади. Худди шу вазиятда келин қадам қўяётган янги хонадон эгалари қалбида қандайдир туйғулар, орзулар, ҳадиклар ҳукмрон бўлади. Бу орзулар ёки ҳадиклар келиннинг чиройи, одоби билан боғлиқ бўлиши аниқ.

«Ёр-ёр»ларда ана шундай халқ истаган, ҳар бир қайнона-қайнота орзу қилган келинлар тавсифи жуда чиройли тасвирланган.

Бадий адабиёт асарларида жуда кўп таъриф ва тавсиф этилган келиннинг ташқи гўзаллиги, «ёр-ёр» қўшиқларида ҳам етакчи ўринларда ифода этилган.

Қиз таърифин айтайин,  
Барно эрур, ёр-ёр.  
Сочи сунбул, бўйлари,  
Зебо эрур, ёр-ёр[5.50].

Мисраларда қизнинг қомати барно, бўйлари зебо, яъни ўзига ярашган, гўзал эканлиги таърифланган. Қолаверса, халқимизнинг азалдан сочи сунбул қизларга ҳавасманд эканлиги таъкидланган.

Келинимиз қулон (қалин) сочи,  
Тиззасидан, ёр-ёр ей.  
Эгнидаги оқ либоси,  
Нахт шойидан, ёр-ёр.  
Ёр-ёр ей, нахт шойидан.

Ёки:

Сулувларнинг сочида,  
Оппоқ пилик, ёр-ёр,  
Келинпошша сочлари,  
Қирқ попуклик.  
Оқ паранжи оғир деб,  
Отга солди, ёр-ёр.  
Отам мени ёмон деб,  
Ётга солди, ёр-ёр[1.57].

Сочи узун қизларни сулув деб таърифлашади. Юқоридаги мисраларда маълум маънода ўзбек халқининг одатлари акс этган. Қадимда келинларимизнинг сояларини қирқ жамалак билан ўраб, орасига оқ пахтадан пиликлар боғлашган. Бу ўзига хос ирим ва ниятларни ифодалайди.

Сулув келиннинг сочларини қирқ попуклик бўлиши, қирқ кунлик чилла билан боғлангандир. Ёки қирқ жамалак бошида зар дўпписи бор келинчакка жуда ярашишида маъно бордир. Жамалакни сочлардаги оқ пиликлар яхши ниятларни чорловчи. Келиннинг боши ёмонлик, қоралик кўрмасин. Борган хонадонида умрбод яшасин, ўз ёри билан кексаликка етсин ва қора сочлари оқарсин каби ниятлар ҳам мавжуд. Бу одатлар Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида яқин йилларгача сақланган. Ҳозирги кунда сочларни қирқ кокил қилиб ўришмаса-да, келиннинг бошига пахтадан пилик боғлаш унутилмаган.

Дунёдаги бошқа халқлар каби туркий миллатлар тарихида ҳам воқеа-ҳодисаларни расмийлаштиришга интилиш, уларни маълум ишонч-эътиқодга хизмат қилдириш кучли бўлган. Инсонлар ранг воситасида ўз орзу-истакларини, мақсад ва интилишларини, дунёқарашларини рамзий тарзда ифода этишган. Бу халқ орасида маълум маънода анъанага айланган (оқ – яхшилиқ, қора – ёмонлик). Рангларнинг магик ҳимоя кудратига эътиқод тўй маросимларида яққол кўзга ташланади. Айниқса, никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлар, анъанавий маросимларда оқ ранг тимсоли жуда кўп учрайди.

Оқ рангнинг тўртликдаги рамзий ифодаси (оппоқ пилик, оқ паранжи) образлари асосида ифодаланган. Келиннинг қирқта қилиб ўрилган сочига оппоқ пилик (оқ пахтадан қилинган ипли ўрама) – кекса онахон томонидан қўйилади. Бу



бошинг доимо яхшилик кўрсин ва шу мўътабар онахондек кексайиб юргин деган маънони ифодалаши билан бир қаторда, оқ пилик келинни бало-қазолардан асраши мумкин деган магик ишонч, эътиқод рамзи сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Паранжи – магик хусусиятга эга бўлган ўзбек миллий маросим либосларидан биридир. Республикамизнинг жуда кўп ҳудудларида ҳозирги кунда ҳам никоҳ тўйларида келин куёвниқига паранжига ўралган ҳолда олиб борилади. Шунинг учун ҳам халқимизнинг тўй қўшиқларида “паранжи” образи жуда кўп учрайди. Ҳимоя воситасининг оқ ранг билан ифодаланиши унинг қимматини янада кучайтирилганлигини белгилаб бермоқда. “Оқ паранжи” янги ҳаёт рамзи ҳисоблансада, кейинги мисралардаги маъно бу ифодага зид. Келинчак отасининг ётга сотганидан қайғуда, изтиробда.

А.Мусақулов алоҳида таъкидлаб ўтганидек[4.308], тўй қўшиқларида оқ ранг одатда, йигит, қизил ранг эса қиз рамзи бўлиб келади. Ёр-ёрларда қизил рангининг ўзига хос тарзда ифодаланиши турли хил образларни мазмунан ривожланишига туртки бўлган.

Халқ ижоди асарларида бир-бирига зид икки турдаги эстетик қийматлар бирлиги ва курашини ифодаловчи оқ-қора, баланд-паст, ер-осмон, кеча-кундуз, ёз-қиш, катта-кичик, ўнг-чап, ҳаёт-ўлим каби жуфтлик тушунчалари шаклланган. Бу ҳолат ёр-ёрларда анчагина эканлигини кўришимиз мумкин. Келинчакнинг руҳий оламини акс эттиришда ана шундай эстетик қийматлар муҳим восита ҳисобланган.

Оқ милтиқ, қора милтиқ,  
Отган отам, ёр-ёр.  
Ўз қизини танимай,  
Сотган отам, ёр-ёр[6.21].

Мисралардаги оқ ва қора ранглар орқали бўлажак келиннинг отадан норозилиги, ижтимоий жараёнларга бўлган курашчан муносабати тасвир этилган. Милтиқ нега отилгани, ёки унинг оқ ва қоралик хусусияти, нега отанинг ўз қизини танимасдан сотганлик жараёнлари, оилада муҳим бир жараённи бошланганлигидан далолат беряпти. Қолаверса, шу ҳаётий ҳодисанинг қаршисида турган келин образининг ички ва ташқи қиёфаси тингловчининг кўз ўнгида яққол намоён



бўлмоқда.

«Ёр-ёр»ларда юз, қош, кўз тасвирлари ажойиб ўхшатишлар орқали жуда чиройли акс этган. Юқоридаги мисраларда келин юзи ойга ўхшатиш билан бўлса, қуйидаги қўшиқда «оқ пахта»га қиёсланмоқда.

Бизни кўча сўрасангиз,  
Ош тахтадай, ёр-ёр.  
Келинойим сўрасангиз,  
Оқ пахтадай ёр-ёр[7.12].

Мисраларда келин ташриф буюраётган кўча ва келин ҳақида қисқача таъриф мавжуд. «Оқ пахта» - яъни оқ юзлилик гўзаллик белгиси, қолаверса, юзи ёруғлик ифодаси. Оқ юзлик гўзал келин равон, кўркем кўчаларга (Ош тахтадай) қадам қўймоқда. Бу таърифларнинг биринчи қисмида келин томонга куёв ҳақида берилган маълумот орқали тасалли бериш тасвирланган. Иккинчи қисмда куёв томоннинг янги меҳмон ҳақидаги фикрларига, ҳадикларига жавобан унинг гўзаллига таъриф этилган.

Нонвойдаги ширмондай,  
Ҳам юзлари, ёр-ёр.  
Қора чарос узумдай,  
Ҳам кўзлари, ёр-ёр[9.123].

Келин юзи «ой»га, «пахта»га, энди эса «ширмон»га ўхшатишмоқда.

Ширмон нон бошқа нонлардан ажралиб турадиган чиройли ва ширин нон. Қолаверса нонвойхонадаги нон ҳали совумаган, иссиқ. Шундай экан, келин ҳам чиройли ва иссиқ юзли. Кейинги мисраларда шу чиройли, иссиқ юзга мос қора кўзлар мавжуд. Кўзлари ҳам оддий эмас. Қора чарос узумдек. Шундай юзли, шундай кўзли келинлар ўз-ўзидан орзудаги санамларни эслатади.

Сўз сўзлаган тиллари,  
Шакардаин, ёр-ёр.  
Ўйнаб турган кўзлари,  
Гавҳардаин, ёр-ёр[7.123].

Кўз таърифи. Кўз – гавҳар. Гавҳар тошига ўхшатилиши – шаклий ўхшашликни таъминлаши мумкин. Гавҳар кўзнинг ўйнаб туриши, ёшлик, чаққонликни ифодалаётган бўлса ажаб

эмас.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Узук бўлсин, ёр-ёр.  
Қиз деганнинг кўзлари,  
Сузук бўлсин, ёр-ёр[5.17].

«Узук бўлсин», «сузук бўлсин» каби ифодалар мазмун жиҳатдан бир-бирини тўлдирмоқда. Узук – муҳаббат, тўй рамзи. Икки ёш ишқ-муҳаббат элчиси сифатида бармоқларига узук тақишади. Ана шу узук таққан келиннинг кўзлари сузук бўлишини ишташмоқда.

Сузуклик – нафосатни ифодаловчи бир кўриниш. Инсоннинг ички дунёси асосан кўзларда акс этади. Шунинг учун ҳам «ёр-ёр»да қизларга сузукликни – нозли бўлишни уқтириш биринчи ўринга кўтарилмоқда.

Никоҳ тўй маросимларида асосий мақомда бўлган келин образининг халқона ижроларда турлича таъриф-тавсифга эга эканлиги, ёр-ёрларнинг турли жойларда, турли ижтимоий қатламларда, турли айтимчилар ижросида куйланганлиги билан аҳамиятлидир. Булардан кўринадикки, ёр-ёрларда келин образи алоҳида ўринга эга. Унинг талқинида ниҳоятда хилма-хиллик, айтим пайтда такрорланмас ўзига хосликлар кузатилади. Бу ўзига хосликлар «ёр-ёр»ларнинг табиий жанр хусусиятлари билан мустаҳкам алоқадорликда намоён бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Жўраев М. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000 йил, - Б-157 бет.
2. Остонаси тиллодан: Тўй кўшиқлари. / Нашрга тайёрловчилар: М.Мирзаева, А.Мусақулов. -Т.: Фан, 1992. -Б-112.
3. Очилов К. Қалдирғочни кўндирган кўшиқ. Самарқанд, Зарафшон, 1992. -Б-128.
4. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. -Т.: Фан, 2010. -Б-308.
5. Собиров А. Наманган ёр-ёри. -Т.: 2000. -Б-50.
6. Тўхлиев Б., Шералиев Э., Алиқулова Ҳ. Ёр-ёрлар. Ўзбек халқ кўшиқлари.-Т.: 2009. -Б-104.
7. Келиной кўшиқлари.-Т.: -1981. -Б-230.

8. Кононов И.А. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник, – М.: Наука, 1978, с. 161-170; Ҳаққулов И. Қора ранг талқинига доир. – // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари, – Т.: 2006, 30-38-бетлар.

9. Наманган қўшиқлари. –Т.: -1981. –Б-123.

10. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. –Т.: Ўзбекистон, 1992. – 182 б.

## ДАДА ҚЎРҚУТ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Давронбек ОРИПОВ  
ЎзМУ таянч докторанти

### Аннотация

Мазкур мақолада Қўрқут ота шахсияти, ўғузлар тарихи, “Китоби Дадам Қўрқуд” эпосининг туркий халқлар тарихида тутган ўрни ҳақида янги фикрлар ўртага ташланади. Ва баҳоли кудрат, илмий асосланади. Қўрқут ота шахсияти қадимги манбалар, тарихий солномалар, бизгача етиб келган асарлар, замондош тадқиқотчилар изланишлари асосида тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Дада Қўрқуд (Қўрқут ота), Расулulloҳ, эл, оқсоқол, ўғуз, Солор Қозон, тарихий шахс, шомон, бахши.

### Аннотация

В данной статье будут изложены новые мысли о личности деда Коркута, истории огузов, роли эпоса “Книга моего деда Коркута” в истории тюркских народов. И даются научно обоснованные выводы. Личность деда Коркута исследована на основе древних источников, исторических хроник, дошедших до нас произведений.

**Ключевые слова:** Деда Коркут, Пророк, народ, аксакал, огуз, Салар Казан, исторический человек, шаман, бахши.

### Annotation

This article will present new thoughts about the personality of Deda Korkut, the history of the Oguz, the role of the epic “The Book of my Deda Korkut” in the history of the Turkic peoples. And scientifically based conclusions are given. The personality of Deda Korkut has been investigated on the basis of ancient sources, historical chronicles, and extant works.